(Филоделфия, Делавер) фаолият юритиб келаётган оилавий судлар томонидан кўриб ҳал этилади [Махмудов М.А, 1996: 4-5].

Оилавий судлар томонидан кўриладиган ишларни уч тоифага ажратишимиз мумкин: 1) вояга етмаганлар ва ҳуқуқбузарларга тааллуқли ишлар; 2) вояга етганларга нисбатан жиноят ишлари; 3) фуқаролик ишлари [Family court of the state of Delawere, 1990: 10-16].

Ўз навбатида фуқаролик ишлари оилани сақлаб қолиш бўйича ҳамда бошқа ишларга (никоҳни ёки ҳомийликни бекор қилиш, фарзанднинг кимда қолишини ҳал этиш ва ҳ.к.) ажратилади.

Оилавий судлар ваколат доирасига тааллуқли бир неча тоифа ишлар эса, мутлақо суд тартибида ҳал этилиши лозим бўлади. Бундай ишлар сирасига вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар, кечиктириб бўлмас ёрдам беришдан бўйин товлаш, ҳақиқийлигига шубҳа бўлган никоҳни бекор қилиш кабиларни киритишимиз мумкин [Махмудов М.А, 1996: 5-6].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Республикамизда оилавий судлар фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Яъни вояга етмаганлар ва оилага қарши жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб ҳал этувчи махсус суд инстанциясини тузиш керак. Зотан, оилавий келишмовчиликлар ҳамда оилавий муносабатларга қарши жиноятлар ўзига хос хусусиятлари жиноятчиликнинг бошқа шаклларидан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бобоев Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик -Т.: ТДЮИ, 2000. -Б.114.
2. Здравомыслова. Б.В. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник - Изд. 2-е, перераб и доп. -М.: Юристь, 1999. С.128.
3. Здравомыслова Б.В. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник - Изд. 2-е, перераб и доп. -М.: Юристь, 1999. С.129.
4. Лебедева В.М. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации -4-е изд., перераб. и доп. -М.: Норма, 2005. -С.355.
5. Махмудов М.А. Семейный суд в США. -Душанбе: Сино, 1996. -С.4-5.
6. Махмудов М.А. Семейный суд в США. -Душанбе: Сино, 1996. -С.5-6.
7. Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. -Т.: ТГЮИ, 2004. -С.111.
8. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекситон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Б.22.
9. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.: ILM ZIYOSI, 2006. -Б. 112.
10. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.: ILM ZIYOSI, 2006. -Б. 113.
11. Family court of the state of Delawere, Final Report, Delawere, 1990. -P.10-16.

ЖАМИЯТНИ ИНСОПАРВАРЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ

Маннанова Н.Х.

С.ф.д. (PhD), бўлим мудири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Ўзбекистон

email: nilufar2627@mail.ru

тел: (94) 626-37-10

Ҳар бир тафаккурли инсон ўзини ўраб турган воқелик ҳақида мулоҳаза юритади. Тафаккурида содир бўлаётган борлиқ ҳақидаги таҳлил ва талқинлар унинг ҳаёт моҳиятини теранроқ идрок этишга, онгининг бир қадар ўсишига, дунёқарашининг кенгайиши ва маънавий дунёсининг бойишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, унинг эҳтиёжларига таъсир кўрсатади ва унинг маънавий жиҳатдан пок бўлишини таъминлайди. Инсон эҳтиёжларининг ижобий томонга тарбияланиб бориши унинг келажакка эзгу мақсадлар ила интилишига замин ҳозирлайди.

Маълумки, ижтимоий тараққиёт инсон эрки ва эркинлигига асосланган интеллектуал салоҳияти, маданий ижодкорлиги билан равнақ топади. Инсоният маданий ҳамда маънавий юксалишининг бош мезони сифатида эътироф этилаётган жамиятни инсонпарварлаштириш

ҳозирги техника ва технологияларга асосланган шиддаткор шароитда бутун жаҳон миқёсида англанган эҳтиёж бўлиб бонг урмоқда.

Жамиятни инсонпарварлаштиришда асосий таянч сифатида қуйидаги ижтимоий-маънавий омилларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади:

- инсонпарварлик сиёсати – давлат сиёсатининг инсонпарварлик тамойиллари асосида амалга оширилиши мамлакатда инсон қадри, манфаатларининг ҳимоя қилинишига хизмат қилади, жамиятда келажакка ишонч, бунёдкорлик кайфиятини уйғотади. Жумладан, "Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг янги ғоялар билан йўғрилган инсонпарварлик сиёсати асосини халқимизнинг туб манфаатлари ташкил этади ҳамда бу сиёсат бевосита шу манфаатларни ҳимоя қилишга ва уларни илгари суришга қаратилгандир. Бу йўлнинг муҳим йўналишларидан бири шахсни ҳар томонлама камол топтиришни таъминлаш, юксак маънавий-ахлоқий инсонпарварлик тамойиллари ва адолат принциплари асосида жамиятни бошқаришнинг янги ҳуқуқий механизмларини шакллантириш мақсадида мамлакатда янгича бунёдкорлик муҳитини ривожлантиришдан иборатдир" [Исмоилов, 2021];

- аҳлоқий-маънавий омиллар – бу ўринда, асосан, жамиятда миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларни янада шакллантириш назарда тутилади. Чунки, миллий ахлоқий фазилатлар инсонни жамиятга бўлган ҳурмат муносабатининг асосий мазмунини ташкил этади. Жамиятни инсонпарварлаштиришда янги жамият асосчилари ҳамда давомчилари бўлган ёшларни маърифатли бўлиш баробарида инсонпарвар руҳда тарбиялашни кўзда тутади;

- маърифий омиллар - жамиятни инсонпарварлаштиришда олий инсоний фазилатлар билан бир қаторда маърифий омилларга бўлган эҳтиёжлар тарихни холис ва ҳаққоний билиш ҳамда ундан оқилона хулосалар чиқара билиш, тафаккурни замон талаблари асосида ижобий маънода ўзгартириш, сиёсий маданият, ҳуқуқий саводхонлик, касбий замонавий билимлар мавжудлигида қондирилиши мумкин. "Инсонпарварлаштиришнинг асосий хусусияти бўлган инсонпарварлик таълим мазмунини ўзлаштиришнинг марказий қисмларидан бири бўлиб, даражаси ва ҳолатидан қатъий назар, таълимдаги асосий ижтимоий муаммоларни инсон номи билан, эркин мулоқат қилиш орқали амалга ошишини таъминлайди. Ушбу чора-тадбирлар тизими таълим мазмунидаги умумий маданий таркибий қисмларни биринчи ўринга қўйиш ва шу билан ўқувчиларнинг шахсий етуклигини шакллантиришга йўналтириш орқали амалга оширилади" [Ғаффоров, Тоштемирова, 2021]. "Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шахснинг умумий ва махсус қобилиятларининг юзага келиши, унинг таълим ва тарбия тизимидаги эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий урф-одат ва қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, давлат, жамият ва табиат билан ўзаро муносабатларининг уйғунлиги таълимнинг инсонпарварлигидан далолат беради" [Ғаффоров, Тоштемирова, 2021];

- диний омиллар – инсонпарвар жамиятни бунёд этишда олий инсонийлик намунаси бўлган демократия қоидаларига асосланган ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган диний бағрикенглик муҳим аҳамият касб этади. Унинг моҳиятидаги турли динларга бўлган эътиқодларнинг ҳеч бирини камситмаган ҳолда бирдек ҳурмат қилиш, уларга эътиқод қилувчи халқлар, миллатлар ва жамиятимиз аъзоларига ҳам чексиз ҳурмат билан қараш халқимиз учун фақатгина халқаро гуманизм ва демократия талаблари эмас, миллий менталитетимизга хос бўлган бебаҳо қадрият ҳамдир;

- маданият ва санъат – маданият ва санъат намуналари инсон истеъдоди, қобилияти, ижодий имкониятлари асосида намоён бўлади. Маданият ва санъат намуналаридан бохабар бўлишлик воқеликка эстетик муносабатда бўлиш, атрофимизни ўраб турган табиат гўзалликлари, ижтимоий меҳнат орқали юзага келган барча гўзал нарсаларга, жумладан, санъат асарларига ботинан ва зоҳиран ошно бўлишда акс этади. Инсон ички туйғуларида бунёдкорлик кайфиятининг уйғониши амалий фаолиятида янгилик, гўзаллик яратишига туртки беради.

Шу ўринда, жамиятни инсонпарварлаштиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган икки омилни ҳам таҳлил этиш лозим бўлади. Ушбу салбий омилларни умумлаштирган ҳолда ташқи ва ички омиллар тарзида кўриб чиқиш мумкин.

Ташқи омиллар мамлакат ва жамиятга ташқаридан кириб келадиган миллий, ментал, умуминсоний қадриятларга мувофиқ бўлмаган ёт ғоялар, глобаллашув ва интеграциялашув натижасида таъсир кўрсатади. Дарақиқат, глобаллашув жараёнида бутун дунё сарҳадлари ҳеч бир қийинчиликсиз ёриб ўтилади. Таассуфки, ёвуз ниятда ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бошқа давлат ҳудудига кириб олиш, мамлакат аҳолисини мафкуравий таъсир орқали тобе қилишни кўзлаган мақсад эгалари глобаллашувнинг бундай хизматидан ўта усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Бугунги кунда нафақат инсон онги, балки қалбини ҳам эгаллаш ғоявий курашнинг бош мақсади бўлиб майдонга чиқмоқда.

Шунингдек, жамиятни инсонпарварлаштириш учун қилинаётган ҳаракатларга бир қатор ички омиллар ҳам халал беради. Хусусан,

- лоқайдлик ва бепарволик;
- ижтимоий бегоналашув;
- фақатгина ўз манфаати устида қайғуриш, худбинлик;
- мавжуд ҳолатдан қониқиш, мослашувчанлик;
- маърифатсизлик натижасидаги қўрқув, ижтимоий қолоқлик;
- бамайлихотирлик, «менга нима» қабилида иш кўриш каби салбий ижтимоий-маънавий омиллар жамиятни инсонпарварлаштиришга, янгиланаётган жамиятнинг аъзоларида тафаккур ўзгаришларига тўсқинлик қилмоқда. Бу эса, асосий мақсадимиз бўлган мамлакатимизни янада тараққий эттириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалга ошишини секинлаштиради.

Шу сабабли, эҳтиёжларни танлаш ва тарбиялаш масаласи давлат ва жамият олдидаги энг муҳим масалалардан биридир. Шахснинг келажакдаги аҳлоқий такомиллашуви ана шу масалани тўғри ҳал этилишига бевосита боғлиқ. Зеро, ижтимоий жиҳатдан мустаҳкам, маънавий жиҳатдан юксак халқгина қудратли бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Исмоилов Н. Янги Ўзбекистоннинг янги истиқболлари. 2021 йил, 10 январь [Электрон ресурс: https://xs.uz/uzkr/post/yangi-ozbekistonning-yangi-istiqbollari.

2. Ғаффоров Я.Х., Тоштемирова С.А. Таълим ва тарбияда инсонпарварлик тамойилининг зарурияти. Academic research in educational sciences. Volume 2. Issue2. 2021 [Электрон ресурс: https://cyberleninka.ru/article/n/talim-va-tarbiyada-insonparvarlik-tamoyilining-zarurati].

СУДЛАНЫЎШЫНЫҢ АҚЫРҒЫ СӨЗИ ҲӘМ ОНЫҢ ҲУҚЫҚЫЙ ӘҲМИЙЕТИ

Матжанов И.А.

ю.и.к., доцент, Бердақ атындағы ҚМУ, Нөкис, Өзбекстан

e-mail: matjanov@mail.ru

тел: +99891 3851416

Судланыўшының ақырғы сөзи судтағы тартыс сөзлер тамам болғаннан соң әмелге асырылады. Сол тийкарда, судланыўшының ақырғы сөзин ҳуқықый талкылаў ўақтында, әлбетте судтағы тартыс сөзлер тәртибине итибар қаратыўымыз тийис. Судтағы тартыс сөзлер – суд додалаўының суд тергеўинен кейин даўам етиўши бөлек басқышы болып, онда қатнасыўшы шахслар суд тергеўи даўамында көрип шығылған мәселелер бойынша өз пикирлерин жәмлеп, оларды билдиреди [Никитина, 2004: 538].

Судтағы тартыс сөзлер даўамында тәреплер суд тергеўи ўақтында изертленген барлық дәлил ҳәм мағлыўматларды талқылайды ҳәм баҳалайды. Бул басқышда тәреплер судқа айыплаўдың дәлилленгенлиги яки дәлилленбегенлиги, жынаят квалификациясы, судланыўшыға қарата жаза шарасы ҳәмде суд тәрепинен шешилиўи тийис болған басқа халатлар ҳаққында өз пикирлерин билдиреди.

Судтағы тартыс сөзлерде шығып сөйлеў тәреплердиң өз ҳуқық ҳәм нызамлы мәплерин қорғаў усылларынан бири. Мәпдар тәреплердиң ҳәр қайсысы бул дәўирде өзиниң пикирин ҳәм ийелеген көз-қарасын билдиреди.

Суд додалаўының бул басқышында жынаят процессиниң сүйегин қураўшы ең орайлық принцип – тартысыўшылық әмелге асырылады. Тартысыў ўақтында истиң барлық халатлары айыплаў ҳәм қорғаў, сондай-ақ басқа шахслар тәрепинен ҳәрқыйлы көз-қарасларда билдирилип, жынаят иси материаллары ҳәртәреплеме уйрениледи. Бул әдалатлы қарар қабыл етиўде әҳмийетли саналады.

Судтағы тартыс сөзлердеги тәртип судланыўшының ҳуқық ҳәм нызамлы мәплерин әмелге асырыўда әҳмийетли саналады. Тартыс сөзлерге биринши болып айыплаўшы тәреп (мәмлекетлик айыплаўшы, жәмәәтлик айыплаўшы, жәбирлениўши, пуқаралық даўагер ҳәм оның ўәкили) шығады, соңынан қорғаў тәрепи (қорғаўшы, жәмәәтлик қорғаўшы, пуқаралық жууапкер ҳәм оның ўәкили). Бул жерде ең тийкарғы мақсет айыпсызлық презумпциясын әмелге асырыўдур, себеби,айыпты дәлиллеў мәселеси оны алға сүрип атырған тәреплердиң мәжбүрияты есапланады.

Тәреплердиң тартыс сөзиниң мазмуны ҳәм тәртиби жынаят-процессуал кодексиниң 449-статьясында белгиленген. Оған муўапық, суд тергеўи тамамланғаннан соң суд тәреплердиң шығып сөйлеўлерин еситиўге өтеди. Тартыс сөзлер мәмлекет айыплаўшысы ҳәм жәмәәт